

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

Барча умумтаълим мактабларида Ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк шоир, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллиги, ўзбек адабиётининг атоқли намоёндаларидан бири, теурийлар авлодининг истеъдодли вакили, атоқли шоир, буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 536 йиллиги ҳамда вафо ва садоқат куйчиси, шоира Зулфия Исроилова таваллудининг 104 йиллигини муносиб нишонланиши маълум қилинади.

Шу муносабат билан Сизга туман Халқ таълими бўлимининг назорат режаси тақдим этилмоқда. Таълим муассасангизда жорий йилнинг 1-9 февраль кунлари “Навоийхонлик”, 11-16 февраль кунлари “Бобурхонлик”, 25 февралдан 2 мартга қадар “Зулфияхоним” ҳафталикларини ташкил этиб, ўтказилган ҳар бир тадбирларни “Юқори Чирчиқ ҳаёти” газетасида ёритиб бориш ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни (йиғма жилд тарзида) жорий йилнинг 18 февраль ҳамда 4 март саналарида бўлимнинг методика кабинети (Ф.Эрназарова)га тақдим этиб боришингиз сўралади.

Бўлимнинг назорат режаси илова қилинади.

Бўлимнинг Она тили ва адабиёт,
Ўзбек тили ҳамда қардош тиллар
фанлари услубчиси Ф.Эрназарова

“Буюк шоир, улуғ мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг

578 йиллиги, ўзбек адабиётининг атоқли намоёндаларидан бири, теурийлар авлодининг истеъдодли вакили, атоқли шоир, буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 536 йиллиги ҳамда вафо ва садоқат куйчиси, шоира Зулфия Исроилова таваллудининг 104 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлашюзасидан Халқ таълими бўлимининг Назорат режаси

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Ижро муддати	Режада белгиланган масъул ижрочилар	Туман ХТБдан масъул
Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар				
1	Улуғ мутафаккир Алишер Навоий таваллудини аҳоли, айниқса ёшлар иштирокида юксак даражада нишонлаш мақсадида таълим муассасаларида таниқли тарихчи олимлар, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида улуғ аждодимизнинг бой маънавий ва ижодий меъросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишга бағишланган очиқ дарслар, тарбиявий соатлар, учрашувлар, танловлар, бадий-маърифий кечалар, тадбирлар ўтказиш	2019 йил 1-9 февраль	Барча таълим муассасалари раҳбарлари, ММИБДЎ, мактаб етакчилари, фан ўқитувчилари, ҳамкор ташкилотлар иштирокида	Д. Аҳмаджонова Ф. Эрназарова
2	Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Навоий ғазаллари шайдосиман”, “Навоий ҳар юракда боқий” мавзуларида иншолар, расмлар танловларини ташкил этиш	2019 йил февраль	Барча таълим муассасалари раҳбарлари, ММИБДЎ, мактаб етакчилари, фан ўқитувчилари	Д. Аҳмаджонова Ф. Эрназарова Д. Пердешова
Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 536 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар				

1	Умумтаълим мактабларида ўзбек адабиётида лирик жанрлар ривожига катта ҳисса қўшган хассос шоир Заҳририддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишга доир очиқ дарслар, тарбиявий соатлар, учрашувлар, танловлар, бадий-маърифий кечалар, тадбирлар ўтказиш	2019 йил 11-16 февраль	Барча таълим муассасалари раҳбарлари, ММИБДЎ, мактаб етакчилари, фан ўқитувчилари, ҳамкор ташкилотлар иштирокида	Д. Аҳмаджонова Ф. Эрназарова
2	Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Бобур-шоҳ ва шоир”, “Заҳририддин Муҳаммад Бобур биз учун маҳобатли бир юлдуз” мавзуларида иншолар, расмлар танловларини ташкил этиш	2019 йил 11-16 февраль	Барча таълим муассасалари раҳбарлари, ММИБДЎ, мактаб етакчилари, фан ўқитувчилари,	Д. Аҳмаджонова Ф. Эрназарова Д. Пердешова
Шоира Зулфия Исроилова таваллудининг 104 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар				
1	Ўзбек шеърятининг оташнафис шоираларидан бири, инсон руҳияти дунёсининг бетакрор куйчиси Зулфияхоним ижодига бағишланган очиқ дарслар, тарбиявий соатлар, учрашувлар, танловлар, бадий-маърифий кечалар, тадбирлар ўтказиш	2019 йил 25 февраль 2 март	Барча таълим муассасалари раҳбарлари, ММИБДЎ, мактаб етакчилари, фан ўқитувчилари, ҳамкор ташкилотлар иштирокида	Д. Аҳмаджонова Ф. Эрназарова
2	Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Зулфия – вафо ва садоқат куйчиси”, “Мангу ҳаёт баҳори” мавзуларида иншолар, расмлар танловларини ташкил этиш	2019 йил 25 февраль 2 март	Барча таълим муассасалари раҳбарлари, ММИБДЎ, мактаб етакчилари, фан ўқитувчилари	Д. Аҳмаджонова Ф. Эрназарова Д.Пердешова

	Умумтаълим мактабларида ҳафталиклар давомида ташкил этилган тадбирларни “Юқори Чирчиқ ҳаёти” газетасида ёритиб бориш	2019 йил февраль-март	Барча таълим муассасалари раҳбарлари, ММИБДЎ, мактаб етакчилари, фан ўқитувчилари	Д. Аҳмаджонова Ф. Эрназарова
--	--	--------------------------	--	---------------------------------------